

МАВЗУ: “СОЛИҚЛАР ВА ЙИҒИМЛАРНИ ТЎЛАШДАН БЎЙИН ТОВЛАШ ЖИНОЯТИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА КРИМИНАЛИСТИК АСОСЛАРИ”

Тайёрлади:

Жўрақобиллов Шамсибек Жўрақобиллович

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
магистратура факультети 2-босқич талабаси

Илмий раҳбар: **Ражабов Бекзод**

“Солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш жиноятини тергов қилишнинг назарий ва криминалистик асослари”

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш жиноятини тергов қилиш, солиқлар ва йиғимлар ҳамда солиқ ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш жинояти тушунчаларига берилган таъриф, солиқлар ва йиғимлар тушунчаси, солиқлар ва йиғимлардан бўйин товлаш жиноятининг келиб чиқиши тарихи, солиқлар ва йиғимлардан бўйин товлаш жиноятини тергов қилишнинг криминалистик асослари ҳақидаги тадқиқотлар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Аннотация

В статье изложены сведения о расследовании преступления уклонения от уплаты налогов и сборов в законодательстве Республики Узбекистан, определение понятий налогов и сборов и преступления уклонения от уплаты налогов и сборов, понятие налогов и сборов, история зарождения преступления уклонения от уплаты налогов и сборов, исследование криминалистических основ расследования преступления уклонения от уплаты налогов и сборов.

Annotation

This article provides information on the investigation of the crime of tax and fee evasion in the legislation of the Republic of Uzbekistan, the definition of the concepts of taxes and fees and the crime of tax and fee evasion, the concept of taxes and fees, the history of the origin of the crime of tax and fee evasion, and research on the forensic foundations of the investigation of the crime of tax and fee evasion.

Калит сўзлар.

солиқлар, йиғимлар, солиқлар ва йиғимлардан бўйин товлаш жинояти, солиқлар ва йиғимлардан бўйин товлаш жиноятининг келиб чиқиши тарихи, солиқлар ва йиғимлардан бўйин товлаш жиноятини тергов қилишнинг криминалистик асослари.

Ключевые слова.

налоги, сборы, преступление уклонения от уплаты налогов и сборов, история зарождения преступления уклонения от уплаты налогов и сборов, криминалистические основы расследования преступления уклонения от уплаты налогов и сборов.

Keywords.

taxes, fees, the crime of evasion of taxes and fees, the history of the origin of the crime of evasion of taxes and fees, the forensic foundations of the investigation of the crime of evasion of taxes and fees.

**Солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш
жиноятини тергов қилишнинг назарий ва криминалистик
асослари.**

Солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш жиноятини тергов қилиш тушунчасини таҳлил қилишдан олдин солиқлар ва йиғимлар ҳамда солиқ ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш жинояти тушунчаларини аниқлаштириб олишимиз лозим.

Солиқ тушунчасини аниқлаштирадиган бўлсак, шуни таъкидлаш лозимки, ушбу тушунчага олимлар томонидан ҳар хил таърифлар берилганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, М.В.Ивлиеванинг фикрига кўра, солиқ – давлат томонидан белгиланган қатъий индивидуал-беғараз хусусиятга эга бўлган, аниқ белгиланган миқдорда ва муддатларда бюджетга тўлаш талаб этиладиган тўловдир¹. Ушбу таърифда энг асосий жиҳат солиқ тўловчилар субъектлар доираси аниқ кўрсатилмаган. И.Г.Кузмина солиққа “давлат ёки унинг ваколатли органининг алоҳида хўжалик юритувчи субъектлар ва уй хўжаликлари ихтиёрида бўлган чекланган ресурслар йиғиндисидан ишлаб чиқариш (қўшимча ресурслар яратиш) ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланиш учун мажбурий тартибда олиб қўйиладиган пул ресурси” сифатида назар солади². Ушбу таърифда солиқ соф иқтисодий категория сифатида баён этилмоқда. Э.Ходжиев эса солиқларга қуйидагича таъриф беради: “Солиқ – бу давлатнинг олий вакиллик органи томонидан жорий этилган, юридик хусусиятига кўра қайтартиб берилмайдиган, давлат ва маҳаллий органлар олдида турган вазифа ва функцияларни бажарилишига қаратилган, тегишли бюджетларда ва бюджетдан ташқари жамғармаларда жамланадиган юридик ва жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мажбурий тўловлардир³”. Лекин О.М.Маҳкамов ушбу фикрга солиқнинг бир тарафлама белгиланиши тушириб қолдирилганлиги сабабли қўшилмаган ҳолда “солиқ – давлатнинг қонун чиқарувчи ҳокимияти томонидан муайян миқдорларда ва бир тарафлама

¹ Ивлиева М.Ф. Налогообложение производственных кооперативов. Правовый вопросы: Дисс.канд.юрид.наук. – М., 1991. – С.37.

² Кузьмина И.Г. Развитие системы налогообложения России: Дисс....канд.эконом.наук. –М., 1994. С. 14.

³ Э.Ходжиев. Солиқ жиноятларининг ижтимоий хавфлилиги // Иқтисодиёт асослари ва хўжалик фаолияти билан боғлиқ жиноятчиликка қарши кураш муаммолари (жиноий-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлар) мавзуйидаги илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент. 2003. 211-бет.

тартибда белгиланган, ваколатли давлат органлари томонидан жисмоний (даромад) ва юридик шахслардан (фойда) мунтазам равишда ундириладиган, республика ёки маҳаллий давлат бюджетига йўналтириладиган, қайтариб берилмайдиган ва беғараз хусусиятга эга бўлган мажбурий пул тўловидир⁴. Бизга маълумки, тавтология бу – бир фикрни, мазмунни бошқа сўз ёки сўзлар билан такроран ортиқча ишлатиш, ва такрорлашдир. Хусусан, беғараз ва қайтариб берилмайдиган деган сўзлар бир хил фикр ва мазмунни ўзида акс эттиради. Иккинчидан, ҳамма солиқлар ҳам мунтазам равишда тўланмайди. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтиш лозимки, *“Солиқ – фақат қонун билан белгиланадиган, Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизимига тўланадиган мажбурий беғараз пул тўловидир.”*

Йиғим тушунчасини аниқлаштирадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 16-моддаси иккинчи қисмида йиғим – бюджет тизимига ушбу Кодексда ёки бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган мажбурий тўлов тушунилиши, бу йиғимнинг тўланиши уни тўловчи шахсга нисбатан ваколатли орган ёки унинг мансабдор шахси томонидан юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни амалга ошириш, шу жумладан унга муайян ҳуқуқларни ёхуд рухсат этувчи ҳужжатларни бериш шартларидан бири бўлиши, шахснинг зиммасига суд тартибида юклатилган жарималар ва бошқа тўловлар, шунингдек қонунда белгиланган ҳолларда мол-мулкни мусодара қилиш ҳамда бошқача тарзда олиб қўйиш солиқлар ёки йиғимлар жумласига кирмаслиги белгиланган⁵.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 17-моддаси иккинчи қисмида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йиғимлар белгиланиши мумкинлиги, йиғимларни жорий этиш, ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби ушбу Кодексда ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланиши назарда тутилмоқда⁶. Қонун билан белгиланган йиғимлар дейилганда, Ўзбекистон

⁴ О.М.Маҳкамов. Солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари. Юрид.фан.док..дисс. – Тошкент: ТДЙУ, 2015, 19-бет.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, 2019-йил 30-декабр, ҳтtps://lex.uz/досс/-4674902

⁶ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, 2019-йил 30-декабр, ҳтtps://lex.uz/досс/-4674902

Республикаси Солиқ кодекси 17-моддаси учинчи қисмида белгиланган чет давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзити учун йиғимни, юк кўтариш қуввати 10 тоннадан юқори бўлган юк автотранспорти воситалари ва тиркамаларининг автомобил йўллари бўйлаб ҳаракатланиши ҳуқуқи учун йиғимни ҳамда алкоголь маҳсулотларини реализация қилиш ҳуқуқи учун йиғимларни ҳамда ушбу ҳуқуқий норма тўғрисида қисмидаги давлат божларини ҳам келтиришимиз мумкин⁷. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2020-йил 6-январдаги “Давлат божи тўғрисида”ги ЎРҚ-600-сон Қонун 3-моддаси биринчи қисмига биноан, давлат божи юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик ва (ёки) бундай ҳаракатлар учун ваколатли муассасалар ва (ёки) мансабдор шахслар томонидан ҳужжатлар берганлик учун ундириладиган мажбурий тўловдир⁸. Энг асосийси, ушбу Қонунга илова сифатида “Давлат божи ставкаларининг миқдорлари тасдиқланган. Демак, бундан тушунишимиз мумкинки, давлат божи ҳам қонун билан белгиланган йиғимлар сирасига киради.

Демак, бизнинг фикримизча, *“Йиғим – бегараз бўлмаган, яъни уни тўловчи шахсга нисбатан ваколатли орган ёки унинг мансабдор шахси томонидан юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни амалга ошириш, шу жумладан унга муайян ҳуқуқларни ёхуд рухсат этувчи ҳужжатларни бериш шартларидан бири бўлган (истисно – шахснинг зиммасига суд тартибида юклатилган жарималар ва бошқа тўловлар, шунингдек қонунда белгиланган ҳолларда мол-мулкни мусодара қилиш ҳамда бошқача тарзда олиб қўйиш) ҳамда фақат қонун билан белгиланган, давлат бюджет тизимига тўланадиган мажбурий тўлов”*.

Солиқ ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш тушунчасини ёритадиган бўлсак, уни икки турини ажратиш мумкин: қонуний – тўламаслик ва ғайриқонуний (солиққа оид ҳуқуқбузарлик ёки жиноят). Хусусан қонуний солиқ ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш деганда, солиқ тўловчи ёки солиқ

⁷ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, 2019-йил 30-декабр, ҳтtps://lex.uz/doss/-4674902

⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги ЎРҚ-600-сон Қонун, 2020-йил 6-январ, ҳтtps://lex.uz/doss/-5378966

агентининг тегишли бюджетларга солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни камайтиришга қаратилган, формал-ҳуқуқий нуқтайи назардан солиқ солиқ қонунларини бузмайдиган ҳаракатлари тушунилади⁹. Қонуний бўйин товлаш деганда, давлат томонидан айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ имтиёзлари ёки преференсияларини бериш орқали солиқ ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлашни тушуниш мумкин.

Тегисли равишда, солиқ ва йиғимларни тўлашдан ғайриқонуний – бўйин товлаш, солиқ тўловчининг солиқ ёки йиғимларни ёхуд солиқ солинадиган базани камайтиришга қаратилган, солиқ қонунчилигини бузиш йўли билан қасддан содир этиладиган қилмиш ҳисобланади¹⁰. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 210-моддасига биноан, солиқ тўловчининг, солиқ агентининг ёки бошқа шахсининг ушбу Кодекста жавобгарлик белгиланган ғайриқонуний айбли қилмиши (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) солиққа оид ҳуқуқбузарлик деб эътироф этилади¹¹. Яъни, умумийроқ айтадиган бўлсак, солиқ тўловчи ёки солиқ агенти томонидан солиқ қонунчилигини бузиш йўли билан қасддан солиқ ва йиғимларни ёхуд объектини яшириш ёки солиқ солинадиган базани камайтириш – солиқ ва йиғимларни тўлашдан ноқонуний бўйин товлаш ҳисобланади.

О.М.Маҳкамовнинг фикрига кўра, бўйин товлаш – давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларига ўтказилиши лозим бўлган пул маблағларини ўтказмасдан туриб, улардан била туриб, ғайриқонуний фойдаланиш, уларга эгалик қилиш ва уларни тасарруф этишдир¹². Лекин, А.В.Бризгалин бошчилигидаги муаллифлар жамоасига кўра, солиқ ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлашни солиқ ва бошқа тўловларни камайтириш шаклидир. Бунда солиқ тўловчи қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида солиқ тўлашдан бўйин товлайди ёки

⁹ О.М.Маҳкамов. Солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминалогик жиҳатлари. Юрид.фан.док..дисс. – Тошкент: ТДЙУ, 2015, 21-бет.

¹⁰ О.М.Маҳкамов. Солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминалогик жиҳатлари. Юрид.фан.док..дисс. – Тошкент: ТДЙУ, 2015, 22-бет.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, 2019-йил 30-декабр, ҳтпс://lex.uz/досс/-4674902

¹² О.М.Маҳкамов. Солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминалогик жиҳатлари. Юрид.фан.док..дисс. – Тошкент: ТДЙУ, 2015, 22-бет.

ўз солиқ мажбуриятлари миқдорини солиқ қонунчилигини бузиш йўли билан камайтиради¹³. Лекин, солиқ ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш фақатгина қасддан содир этилади.

О.М.Маҳкамовнинг таъкидлашича, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар (йиғимлар)ни тўлашдан бўйин товлаш – солиқ солиш соҳасида қасддан содир этилган, ҳаракат ёки ҳаракатсизлик хусусиятига эга бўлган, қонунда белгиланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни давлат бюджетига тўлиқ ёки қисман тўламасликка қаратилган, содир этганлик учун молиявий, маъмурий ва жиноий жавобгарлик назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишдир¹⁴. Бизнинг фикримизча, ушбу таърифда “давлат бюджети” тушунчасини аниқлаштириш лозим. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси 6-моддасига асосланган ҳолда, бюджет тизими барча даражадаги бюджетлар, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларидан иборат эканлигини кўришимиз мумкин¹⁵. Ушбу ҳуқуқий нормадан келиб чиққан ҳолда, айтиш мумкинки, ушбу таърифни қуйидагича баён этиш мантиқий ва ҳуқуқий нуқтайи назаридан асослидир: *“Солиқ ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш – қонунда белгиланган солиқ ва йиғимларни давлат бюджети тизимига қасддан тўлиқ ёки қисман тўламаслик оқибатида молиявий, маъмурий ва жиноий жавобгарликларни юзага келтирадиган ижтимоий хавфли қилмишдир.”*

Жиноят ишини тергов қилиш деганда, қўзғатилган жиноят ишини мазмунан ҳал қилиш учун аниқланиши лозим бўлган ҳолатларга ойдинлик киритишга хизмат қиладиган барча далилларни тўплаш, жиноят содир этган шахсни ишга жалб қилиш, унинг айбини исботлаш, унинг айбини енгиллаштирувчи далилларни йиғиш, жиноят натижасида етказилган мулкый зарар қопланишини таъминлаш ва жиноятнинг сабаблари, жиноятнинг содир этилишига имкон

¹³ Брызгалин А.В., Верник В.Р., Головкин А.Н. Налоговая оптимизация: принципы, методы, рекомендации, арбитражная практика // Налоги и финансовое право. – М., 2002. №6. – С.45.

¹⁴ О.М.Маҳкамов. Солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминалогик жиҳатлари. Юрид.фан.док.дисс. – Тошкент: ТДЙУ, 2015, 25-бет.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси, 2013-йил 26-декабр, ҳтtps://lex.uz/doss/-2304138#-2308647

берган шарт-шароитларни аниқлаш, уларни бартараф этиш чораларини кўриш, протсессда иштирок этаётган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек, жиноят ишини судда ҳар томонлама ва ҳолисона кўриб чиқилиши ва адолатли қарор чиқарилиши учун зарур шарт-шароит яратиш билан боғлиқ тергов органларининг фаолияти тушунилади¹⁶. Яъни, эътибор берганингиздек, ушбу таърифда жиноят ишини тергов қилиш фаолияти фақатгина тергов органларининг фаолияти эканлиги билдирилмоқда. Лекин мавжуд қонунчилик ҳужжатларидан келиб чиққан ҳолда, Д.М.Миразовнинг фикрича, жиноят ишлари бўйича судга қадар иш юритувининг тергов қилиш шакллари сифатида суриштирув ва дастлабки тергов тушунилиши керак¹⁷. Ҳақиқатдан ҳам, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-протсессиал кодекси 320³-моддаси биринчи қисмига биноан, жиноят ишини тергов қилиш суриштирув ёки дастлабки тергов шаклида амалга оширилади¹⁸. Демак, юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, айтиш лозимки, *жиноят ишини тергов қилиш – жиноят ишининг тегишлилиги нуқтайи назаридан дастлабки тергов ва суриштирув органлари томонидан амалга ошириладиган, аниқ белгиланган муддат давомида ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш фаолиятидир.*

¹⁶ Жиноят-процессиал ҳуқуқ: Дарслик / Юридик фанлар доктори, профессор М.А.Ражабова таҳрири остида (тўлдирилган ва қайта ишланган учинчи нашри). –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. 375-бет.

¹⁷ Жиноят-процессиал ҳуқуқи. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: Юридик адабиётлар публич, 2024-й. – 408-бет.

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессиал кодекси, 1994-йил 22-сентябр, ҳтпс://lex.uz/досс/-111460#-3350910

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг кодекслари тўплами. Биринчи жилд. – Тошкент. “Yuridik adabiyotlar publish”, 2023;
2. Жиноят-процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. //Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: ТДЮУ нашриёти, 2016;
3. Ўзбекистон Республикасининг 21.11.2024 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига рақамли далиллар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1003-сон Қонуни. // <https://lex.uz/docs/7228758>;
4. <https://sherloc.unodc.org/cld/ru/st/evidence/electronic-evidence.html>;
5. Digital evidence and computer crime by Eoghan Casey. Published by Elsevier Inc. 2011;
6. International Journal of Digital Evidence, Spring 2002 Volume 1, Issue 1: <https://www.utica.edu/academic/institutes/ecii/publications/articles/9C4E695B-0B78-1059-3432402909E27BB4.pdf>;
7. Криминалистика, дарслик. Муаллифлар жамоаси - Тошкент: ДТЮУ;
8. Ўзбекистон Республикасининг кодекслари тўплами. Биринчи жилд. – Тошкент. “Yuridik adabiyotlar publish”, 2023;
9. Lex.uz;
10. Proacademy.uz Интернет саҳифалари.